



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
божхона хизмати подполковниги

М.Баракаев

10

2022 г.

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Яллама”, “Гишткўпrik”,
“С.Нажимов”, “Бекобод авто” ва “Фарход” чегара божхона постларига
таранг қарши мосламаларни тайёрлаш ҳамда ўрнатиш бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

“ИШЛАБ ЧИҚДИ”

Ҳарбий сафарбарлик, жанговор
тайёргарлик ва қўриқлаш
бўлими бошлиғи, божхона
хизмати подполковниги

Т.Худайбердиев

Моддий техника таъминоти
бўлими бошлиғи, божхона
хизмати подполковниги

Ж.Курбонов

“КЕЛИШИЛГАН”

9231-Ҳарбий қисм командири
подполковник

А.Артиков

Нурафшон шаҳри 2022 йил

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги
ПФ-122-сон Фармони 1-иловаси билан тасдиқланган 2022 йилда божхона
органлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар
режаси ижросини бажариш мақсадида “Яллама”, “Ғишткўприк”,
“С.Нажимов”, “Бекобод авто” ва “Фарҳод” чегара божхона постларига
тарангага қарши мосламаларни тайёрлаш ҳамда ўрнатиш бўйича**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тарангага қарши механик мудофаа иншоотининг техник талаблари

1. Иншоотнинг мақсад ва қўлланилиш талаблари.

1.1. Тарангага қарши, мудофаа тўсиш иншоотлари автотранспорт
воситаларининг назорат пунктидан санкцияланмаган ҳаракатига қарши
жисмоний баръер бўлиб хизмат қиласи.

1.2. Ушбу тарангага қарши мудофаа тўсиш иншооти конструкцияси ўзига
зарба энергиясини қабул қилган ҳолда, зарба берувчи автотранспорт
воситасининг тўлик тўхташи, шунингдек унинг шикастланишини
кафолатлаши лозим.

2. Тарангага қарши қисмнинг талаблари

2.1. Тарангага қарши конструкциянинг балка қисми пўлат двутаврдан,
механик йўл билан ишга тушириладиган механизм билан жихозланган
бўлиши лозим. Двутаврнинг ўлчами “Балка 18Б1” дан кам бўлмаган.

2.2. Ромлари 100мм x 100мм ўлчамдан кам бўлмаган полкали бурчакдан
ясалган бўлиши лозим.

2.3. Иншоотнинг тарангага қарши қисми учта параллель жойлашган
балқадан ташкил топган бўлиб, 2 метрлик двутаврдан, ҳар бир балканинг
оралиқ масофаси 1,5 метр, умумий узунлиги 5 метрдан кам бўлмаган ўққа
жойлашган ва ушбу қуч ромига роликли подшипник орқали маҳкамланган
бўлиши лозим.

2.4. Тарангага қарши балкаларнинг орқа қисми мувозанатдан осон чиқариш
мақсадида оғиррок бўлиши лозим.

2.5. Балкага учкур шакл бериш мақсадида, двутаврлик балкаларнинг ташқи
қисми пастки қисмдан бошланган ва балканинг тепа қисмига қараб диагональ
тарзда кетган қия кесимга эга бўлиши лозим.

2.6. Кўтарилиш баландлиги камида 50 см бўлиши лозим.

2.7. Қайтадан бетон қилинган қисмлари пўлат бурчак билан ёпилган
бўлиши лозим.

3. Механизмнинг талаблари.

3.1. Иншоотнинг активация ёки деактивацияси ричаг дастагини охиригача
босиш билан амалга оширилади.

3.2. Активация қилишда ричаг двутаврли балкалар ва қарши куч ҳисобига
эркин ҳолатда, вертикал жойлашган бўлиши керак.

3.3. Тарангага қарши балкаларни тушириш натижасида, ричаг бир томонга
сурилиб, стопер билан маҳкамланади.

3.4. Ричаг ва ўқ ўзаро тяга билан боғланган. Тяганинг умумий узунлиги 6 метргача бўлиши мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим.

3.5. Агар киритилган ўзгаришлар механизмни ёки ушбу қурилмани янада мукаммаллаштирса, унга қўшимча ва узгартеришлар киртиш мумкин деб ҳисоблансин.

3.6. Ушбу иншоот сув кетиш йўли, ва сув кетувчи кудук билан жиҳозланган бўлиши лозим.

3.7. Зарбага қарши мудофаа иншооти йўл қисми қопламига кесиб жойлаштириш йўли билан маҳкамланади ва актив бўлмаган ҳолда жойлашган йўл қопламининг горизонт кўринишини бузмаслиги лозим.

3.8. Тарангага қарши мудофаа иншоотининг қисмлари ва уни қуришда фойдаланилган материаллар шундай танланган бўлиши керакки, унинг устидан кўпмиқдордаги катта юк автотранспорт воситаларида ҳаракатланган тақдирда ҳам қисмлари деформацияга учрамаслиги лозим.

4. Иншоотнинг комплектацияси

4.1. Ушбу иншоот иккиталик, яъни битта ричаг иккита қурилмани бошқариши, шунингдек иккиталик, яъни битта ричаг иккита қурилмани бошқариши лозим.

5. Иншоотнинг ишлаш талаблари

5.1. Иккиталик қурилманинг дастаги тушурилганида, иккала тарангага қарши қисм тушиши лозим.

5.2. Дастакнинг вертикал ҳолатга келтирилганида, иккиталик механизм бўлсагина, иккала тарангага қарши қисм кўтарилади ва қарши оғирлик ҳисобига ушбу ҳолатда сақланади. Битталик механизм бўлган тақдирда, биргина тарангага қарши қисм кўтарилади ва қарши оғирлик ҳисобига ушбу ҳолатда сақланиб қолади.

5.3. Иншоот -25-70 градусли об-ҳаво шароитида ҳам фаолият кўрсата олиши лозим.

6. Иншоотнинг рангига бўлган талаблари

6.1. Иншоотнинг ҳаракатга келадиган қисмларнинг ранглари сигнал рангларда (қора-сарик, ёки оқ-қизил) бўлиши, ҳамда йўл қисмнинг қоплами (йўлнинг асфальт ёки бетон қисми) ранглари билан контраст ҳосил қилиши лозим.

7. Бошқа характеристика ва талаблар

7.1. Ишлаб чиқарувчи умумқурувчилик ишлари яъни, бетон ва асфальт йўл қопламини қўпориш ҳамда бетон маркаси M500дан кам бўлмаган аралашмасини қўйиш каби ишларнинг ҳаражатларини умумий ҳаражатга қўшган ва ҳисобга олган бўлиши лозим.

7.2. Иншоотнинг ишлаши юқори интенсивликни назарда тутган бўлиши лозим.

7.3. Ишлаб чиқарувчи техник тадбирларнинг ўтказилиш тартиби шунингдек техник тадбирларнинг даврийлигини кўрсатиб ўтган бўлиши лозим.




7.4. Механизмнинг кафолати камида 2 йил, умумий иншоотнинг кафолати 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

8. Қўшимча талаблар

- 8.1. Ушбу техник талабларга чизма ва схемалар илова қилинади.
- 8.2. Иншоотнинг баъзи бир узелларириш ўзгартириш киритиш фақатгина ушбу ўзгаришлар механизмнинг ишончлилигини, самаралилигини, ҳамда ушбу иншоотнинг ўз мақсадига мувофиқлигини оширган тақдирда йўл қўйилади.

ТАРАНГА ҚАРШИ МОСЛАМАНИНГ УМУМИЙ КЎРИНИШИ

ДАРВОЗА



ТАРАНГА ҚАРШИ МОСЛАМАНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ

- 1. Швеллер стальной гнутый равнополочный 80x40: 3,5 м.;**
- 2. Труба стальная квадратная 60x40:**
4 шт. – по 0,35 м. – 1,4 м.;
1 шт. – 0,06 м.
- 3. Лист стальной 10 мм:**
80x300 - 2 шт. – 0,48 кв.м.;
50x300 – 1 шт. – 0,15 кв.м.
- 4. Труба металлическая Д 50 мм – 1500 мм.**
- 5. Подшипник с внутренним диаметром 50 мм – 1 шт.**
- 6. Подшипник с внутренним диаметром 12 мм – 3 шт.**
- 7. Прокат стальной круглый – 5 м.**
- 8. Пружины – 1 шт**

